Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 10 ноябрь, пайшанба №167 (21.741) Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ШАХСИЙ ТАРКИБИГА

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари шахсий таркибини, фахрийларини ва уларнинг оила аъзоларини Милиция куни муносабати билан самимий табриклайман.

Юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлашда, халқимизга беҳадик яшаш ва меҳнат қилиш учун шароит яратиб беришда ички ишлар ходимларининг хизмати катта.

Биз сизларнинг ишингиз қанчалик оғир ва шарафли эканини яхши биламиз. Ушбу байрам онларида жамиятдаги энг ёмон иллат — жиноятчиликка қарши шафқатсиз курашда, норасида болаларнинг уйқуси ширин ва осуда бўлиши учун, мунис оналарнинг ўз фарзандлари тақдирини ўйлаб хавотирга тушмасликлари учун, шу муқаддас заминда тинчлик ва адолат барқарор ва муқим бўлиши учун жонларини фидо қилган жасур инсонларнинг порлоқ хотираларини яна бир карра миннатдорлик билан ёдга оламиз.

Милиция ходимларининг жасорати ва ҳалол меҳнати халқимиз томонидан юксак қадрланади ва муносиб баҳосини олади.

Ишончим комилки, сизлар бундан кейин ҳам ҳуқуқий давлат қуришда, жамиятимизда қонунийлик ва адолат мавқеини юксак даражага кўтаришда, элюртнинг тинчлигини таъминлашда бор куч-қувватингизни аямайсизлар.

Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий фаровонлик, бахт-саодат, ватан истиқболи йўлидаги олижаноб ишларингизга равнақ тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Шеробод туманидаги сопол буюмлари заводида йигирма турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Улар орасида моҳир уста Ботир Пардаев тайёрлаган буюмлар харидорларга манзур бўлмоқда.

Ботир ёшликдан сополсозликка қизиқди. Могилёв шаҳридаги бадиий билим юртини тугатгач, қишлоққа қайтиб юқорида тилга олинган корхонага ишга кирди. Мана, ўтган уч йил ичида шогирдликдан устозлар сафига ўтди. Элликдан зиёд ўзига хос сопол буюмларни яратди.

СУРАТДА: уста Ботир Пардаев (чапда) шогирди Очил Ниёзов билан бирга.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Чет тиллар соҳасида кадрлар тайёрлашни жадаллаштириш, минтақадаги корхоналар ва муассасаларнинг кенгайиб бораётган халқаро алоқаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида:

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Самарқанд вилоят ҳокимлигининг Самарқанд давлат университетининг тегишли факультети негизида Самарқанд давлат чет тиллар институтини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар институтнинг асосий вазифаси қилиб белгилансин:

чет тилларни пухта биладиган таржимонлар ва республика таълим муассасалари учун педагоглар тайёрлаш;

чет тилларни жадал ўргатишнинг илғор педагогик усулларини жорий этиш;

чет тиллар бўйича мутахассисларнинг малакасини ошириш;

олий маълумот негизида таржимонлар ва экскурсия раҳбарларини жадал қайта ўқитиш;

институтнинг ўз илмий кучларини ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда мазкур фармонни амалга ошириш бўйича ташкилий тадбирларни кўзда тутувчи тегишли қарорни тайёрласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил, 8 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАНИНГ ИЧКИ ЭРКИН МУОМАЛАДА БЎЛИШИ УЧУН РЕСУРСЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Валюта бозорини шакллантириш учун ресурс имкониятларини кенгайтириш ва миллий валюта — сўмнинг ички эркин муомалада бўлишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Белгилаб қўйилсинки, шу йилнинг 15 ноябридан бошлаб мулкчилик шакларидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар томонидан сотилиши мажбурий бўлган чет эл валютасидаги тушумнинг 30 фоизи тўлиқ ҳажмда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ихтиёрида қолади.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига қайд этиб ўтилган маблағларни ҳамда қўшимча валюта маблағларини Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида савдолар ўтказишга ва шунинг асосида сўмнинг ЭМВга айлантирилишини таъминлаш учун Марказий банкнинг тегишли патентларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларга сўмларни эркин муомаладаги валютага белгиланган тартибда алмаштириб беришга йўналтириш тавсия қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, вакил қилинган тижорат банклари биржа савдоларига қўйиладиган эркин муомаладаги валюта миқдорларини кўпайтириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, вакил қилинган тижорат банклари фуқароларнинг сўмларни ЭМВга узluксиз алмаштириши учун ихтисослаштирилган алмаштириш пунктларининг валюта билан зарур миқдорларда таъминланиши устидан назоратни кучайтирсинлар.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 апрелдаги қарори 9-бандининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан валюта маблағлари сотиб олинишига доир қисми ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари Б. С. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 8 ноябрь.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонига кўра бир гуруҳ спортчилар, жисмоний тарбия ва спорт устозлари ҳамда мутахассислар "Шуҳрат" медали билан мукофотланган ва "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" унвонларига эга бўлган, Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган эди.

9 ноябрь куни Тошкентдаги муҳташам "Туркистон" саройида XII Осиё ўйинлари ғолиб ва совриндорларига ватанимизнинг юксак мукофотларини топшириш маросими бўлди.

Маълумки, мамлакатимиз спортчилари Осиё ўйинлари деб ном олган бундай катта халқаро мусобақада биринчи марта қатнашганларига қарамай, ажойиб ғалабани қўлга киритдилар — умумҳисобда бешинчи ўринни эгалладилар. Футболчиларимиз эса барча ўйинларни ғалаба билан якунлаб, сайёрамизнинг энг катта қитъасининг чемпиони унвонини қўлга киритдилар. Булар Ўзбекистон раҳбарияти спортга кенг эътибор бераётганининг яна бир натижаси. Ўзбекистоннинг барча соҳаларида, жумладан, спорт борасида ҳам кенг имкониятлар мамлакати эканлигининг исботи. Шу ўринда мустақил юртимизда таъсис этилган дастлабки фахрий нишоннинг номи "Соғлом авлод учун" ордени бўлганлигини, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорлардан бири эса миллионларнинг севимли ўйини футболни ривожлантиришга бағишланганлигини эсламай бўладими. Қайсики соҳага давлат миқёсида эътибор бор — унда ривож нақд. Спорт эса мамлакатимизда ана шундай эътиборли соҳалардан бири эканлиги қувончли.

"Туркистон" саройига йиғилганлар — спорт устозлари, фахрийлари, кенг жамоатчилик вакиллари, ишқибозлар ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилган инсонларни яна бир бор юксак ғалаба билан шарафладилар.

Маросим тантанали очилиб, зал узра Ўзбекистон Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов йиғилганларга спортчиларимиз Японияда қўлга киритган улкан ғалаба ҳақида гапириб, улар 40 та медални қўлга киритгани мустақил республикамизнинг катта ютуғи эканини таъкидлади.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан мукофотларни эгаларига топширди.

Ўзбекистон терма командаларининг ҳомийлари ва республика спорт федерацияларининг раҳбарлари Осиё ўйинлари ғолиб ва совриндорларига эсдалик совғалари ҳадя этди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан байдаркада эшкак эшиш бўйича XII Осиё ўйинларининг уч марта олтин медали соҳиби, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи И. Киреев, футбол бўйича Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тренер, республика терма жамоасининг катта тренери Б. Абдураимов, спорт қўмитасининг раиси, Ўзбекистон миллий олимпиада қўмитаси президенти С. Рўзиев ва бошқалар ўзларига билдирилган ишонч учун ҳукуматимиз раҳбарларига миннатдорлик билдирди.

Тантана якунида республикамиз санъат усталари ижросида катта концерт намойиш этилди.

Маросимда Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, Японияниг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Укэру Магосаки, Тошкентда фаолият кўрсатаётган хорижий мамлакатлар элчихоналарининг вакиллари иштирок этдилар.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

1994 йил 8 ноябрь куни Қ. Аҳмедов раислигида Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 11 ва 24-моддаларига мувофиқ сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органларидан Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Халқ демократик партияси, "Ватан тараққиёти" партияси, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан Олий Мажлис депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни қонун талаблари доирасида эканини эътироф этиб, кўрсатилган номзодларни рўйхатга олди ва уларнинг рўйхатини республика ва вилоят газеталарида эълон этиш тўғрисида қарор қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатини сайлаш бўйича сайлов бюллетени, сайлов варақаси ҳамда таклифноманинг намунавий нусхалари маъқулланди.

Комиссия мажлисида республика давлат матбуот қўмитаси раиси Р. Шоғуломовнинг сайловга тайёргарлик юзасидан ахбороти эшитилди.

Марказий сайлов комиссияси депутатликка номзодлар сайлов компаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитлар таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида бўлган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди ва тегишли қарорлар қабул қилди.

Комиссия ишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби А. Жалолов, "Ватан тараққиёти" партиясининг раиси А. Йўлдошев қатнашди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. В. ҒАНИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Азиз Валиевич Ғаниев ўз аризасига биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 9 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Т. НАБИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тўлаган Набиев Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 9 ноябрь.

• ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМИДА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ II ҚУРУЛТОЙИ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ТАРҒИБ ЭТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси Ўзбекистон ХДП навбатдан ташқари II қурултойи ҳужжатларини ўрганиш ва тарғиб этишни ташкил қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Қабул қилинган қарорда қурултой партия тарихи, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлганлиги, ХДП ташкил топгандан кейинги унинг уч йиллик фаолиятига якун ясаганлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар муносабати билан ташкилотларимизнинг навбатдаги вазифаларини белгилаб берганлиги қайд этилди. Шунингдек, сайловолди Сиёсий дастуримиз қабул қилинганлиги, Олий Мажлис депутатлигига партиямиздан номзодлар кўрсатилганлиги ва ХДП Низомига айрим ўзгартиришлар киритилганлиги таъкидланди. Қурултой катта уюшқоқлик, юксак масъулиятни ҳис этиш рухида ўтиб, у ХДПнинг Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг ислоҳотлар сиёсати йўлига содиқлигини намойиш этди. Қурултой қарорлари узоқ муддатли аҳамиятга эга бўлиб, партиямиз ташкилотларининг амалий ишларида, хусусан, ўтажак сайловларга тайёргарлик кўриш жараёнида улардан самарали фойдаланиш керак.

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўми партиянинг навбатдан ташқари иккинчи қурултойи ҳужжатларини барча партия аъзолари томонидан ўрганиб чиқиш ҳамда уларни оммалаштиришни ташкил этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаб, уларни ўрганишда сиёсий тўгараклар ва клублар, партиявий ўқувнинг бошқа мунтазам шакллари ҳамда оммавий тарғибот ва ташвиқот ишларининг турли воситаларидан кенг фойдаланишни бошланғич партия ташкилотларига тавсия этди. Марказий Кенгаш Мафкуравий ишлар бўлимига қурултой ҳужжатларини ўрганиш дастури ҳамда уларни кенг тарғиб ва ташвиқ қилишнинг намунавий мавзуларини тайёрлаб, партия газеталарида эълон қилиш топширилди.

Сиёсий ижроқўм қурултой қарорларини бажаришга уюшқоқлик билан киришиш мақсадида барча бошланғич партия ташкилотларида ягона кун тартиби билан очиқ партия йиғилишлари ўтказишни, мажлисларда Ўзбекистон ХДП иккинчи қурултойи якунлари ва ташкилотларимизнинг сайловолди вазифаларини мухокама этиб, қурултой қарорларини бажариш юзасидан аниқ тадбирлар белгилашни тавсия этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази

МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА ҚАБУЛ

9 ноябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси доктор Карл Хайнц Куна унинг илтимосига кўра қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов элчига Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг натижалари, истиқболлари, Халқ демократик партиясининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари II қурултойи, унда қабул қилинган ҳужжатлар, хусусан, партиянинг сайловолди Сиёсий дастури тўғрисида, мамлакатимизда давлат ҳокимияти вакиллик идораларига илк бор кўп партиялилик асосида ўтадиган сайловларга кўрилаётган тайёргарлик ҳақида батафсил гапириб берди, меҳмонни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Доктор Карл Хайнц Куна Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар, жамият ҳаётининг барча соҳаларида рўй бераётган ўзгаришларга юқори баҳо берди ҳамда улар мамлакатимизни муқаррар равишда жаҳоннинг энг ривожланган давлатларн сафига олиб чиқишига қатъий ишонч билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котибн И. Кочмарик ҳозир бўлди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ВАЗИФА АНИҚ, ИШЛАШ КЕРАК

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг куни кеча бўлиб ўтган навбатдан ташқари II қурултойида бир қанча ижтимоий-сиёсий масалалар қатори партиямизнинг муҳим сиёсий ҳужжати-сайловолди Сиёсий дастури қабул қилинди. Мухбирларимиз қурултой делегатлари билан учрашиб, улардан қурултойдан олган таассуротлари ҳамда қабул қилинган Сиёсий дастур ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини сўзлаб беришни илтимос қилишди.

Турсунбой МИРЗАРАҲИМОВ, Хонобод шаҳридаги Андижон ГЭСи директори: — Бўлиб ўтган навбатдан ташқари қурултойни ҳеч муболағасиз партиямиз ҳаётидаги тарихий анжуман, деб айтиш мумкин. Негаки, у биринчидан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ўтган уч йил мобайнидаги фаолиятини кўриб чиқди, унга муайян баҳо берди. Иккинчидан, мустақил мамлакатимизда ҳуқуқий, демократик давлат, адолатли жамиятни барпо этиш йўлида дадил қадамлар қўйилаётган, республика Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларга кўппартиялилик асосида сайловлар ўтказишга тараддуд кўрилаётган бир пайтда биз ўз сайловолди дастуримизни аниқ-равшан белгилаб олдик. Энди вазифаларимиз аниқ, фақат бор куч-ғайратимизни сафарбар этиб ишлашимиз керак.

Мен қурултойимизнинг тўла ҳамжиҳатлик билан ишчанлик руҳида ўтганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Биз партиямизнинг барча даражадаги бўғинларида, айниқса, сайловлар олдидан ана шундай ҳамжиҳатлик ва якдилликка эришмоғимиз, ташкилий, оммавий-сиёсий, тарғибот ва ташвиқот ишларимизни пишиқ-пухта йўлга қўймоғимиз даркор.

Салтанат ЗУННУНОВА, Ўзбекистон ХДП Қумқўрғон туман кенгашининг биринчи котиби: — Мамлакатимиз Президенти, партиямиз Раиси Ислом Каримов "Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сиёсати — халқ манфаатларини ифодаловчи сиёсатдир", деб алоҳида таъкидлаган эдилар. II қурултойда қабул қилинган бениҳоя муҳим ҳужжат — партиямизнинг сайловолди Сиёсий дастури ҳам худди ана шу фикрларнинг тўғрилигини яна бир бор намоён этди. Бундан бўёнги барча ишларимизни ушбу Дастурда белгиланган сиёсий йўл нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишимиз зарур, деб ўйлайман.

Яна шуни ҳам таъкидламоқчи эдимки, қурултойда партиямиз Марказий Кенгаши биринчи котиби қилган маъруза ниҳоятда жонли, ҳаётий, пишиқ-пухта ва баланд руҳда бўлди. Унда баён этилган фикр-мулоҳазалар ҳар бир партия аъзосини ўйлашга чорлайди, партия ташкилотлари олдига ўзига хос вазифалар қўяди. Биз сайловолди барча ташкилий-партиявий, мафкуравий ишларимизда маърузадан унумли фойдаланмоғимиз керак, деб ҳисоблайман.

Шуҳрат УМАРОВ, Навбаҳор туманидаги "Гигант" жамоа хўжалиги ҳудудий партия ташкилоти котиби:

— Партиямизнинг навбатдан ташқари анжумани қисқа муддат ичида ўтказилган бўлсада, у жуда самарали бўлди. Қурултойнинг ҳайъати, ишчи органлари пухта ишлади.

Ўзбекистон ХДП Низомига ҳам ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган жуда зарур ва тўғри ўзгартиришлар киритилди.

Биз қурултой қабул қилган сайловолди Дастуримизни бундан кейинги бутун партиявий фаолиятимизда дастуриламол деб билиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда маҳаллий Кенгашларга партиямиздан кўрсатилаётган номзодларнинг ғалабага эришиши учун астойдил курашмоғимиз керак.

ПАРТИЯ ЙЎЛИ — БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ

Самарқандаги энг қўҳна гўшалардан ҳисобланган "Деволи кўндаланг" маҳалласи чинакам байрам тусини олди. Маҳалла аҳолиси билан бирга бу ерга қўшни кўчаларнинг вакиллари, қариялар, шаҳар фаоллари ташриф буюрдилар. Шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби А. Салоҳиддинов Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг уч йиллик фаолияти ҳақида гапириб берди ҳамда тўпланганларнинг иштирокида маҳалла фаолларидан Муборак Нурматова, Меҳрож Сирожиддинов, Мая Маярскаяга партия билетлари топширди.

— Мен халқимизнинг севимли ва фидокор партиясига аъзо бўлаётганлигим билан фахрланаман, — деди М. Нурматова, — юртдошларимиз бу сиёсий кучнинг келажагига ишонишади. Айниқса, куни кеча матбуотда партиямизнинг сайловолди Дастурини ўқиб, бу ишончимиз янада мустаҳкамланди. Унда халқлар ва юрт бирлиги юзасидан ўртага ташланган шиорлар қўнглимиздаги гап бўлиб чиқди.

Худди шундай анжуман Сиёбдаги "Оби-машҳад" маҳалласида ҳам бўлди. Бу ерда 18 йигит-қизга партия билетлари топширилди. Маҳалла оқсоқоли, бошланғич партия ташкилотининг котиби Мамажон Аҳмедов тўпланганларга партиямизнинг сайловолди Дастурини ўқиб берди. Маҳалла аҳли Дастурдаги ҳар бир сўз республика раҳбарияти олиб бораётган одилона сиёсатга ҳамоҳанг эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Бўлиб ўтган учрашувларда партия Дастурини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш ҳамда партиямиз номзодлари учун овоз беришни уюшқоқлик билан ўтказиш тадбирлари белгиланди.

Фармон ТОШЕВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ПАРТИЯ АЖБОРОТИ

АРАФАДАГИ ЮМУШЛАР

Қизириқ туманидаги дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасидан 25 ишчи ва хизматчи Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафига ўтиш учун ариза берди.

— Ҳар бир партия аъзосига тегишли топшириқлар берамиз, вазифалар юклаймиз, — дейди бошланғич партия ташкилоти котиби Ғулом Жумаев. — Бошланғич партия ташкилотимиз ёрдамчи хўжаликни обод қилишни ўз зиммасига олган. Одамларни ижтимоий ҳимоялаш, ёрдамга муҳтож кишиларнинг иссиқ-совуғидан бохабар бўлиб туриш ва шу ишлар билан бир қаторда ишлаб чиқаришга илғор технологияни жорий қилиб бориш юмушлари билан ҳам астойдил шуғулланяпмиз.

Ўзбекистон ХДП Қизириқ туман кенгаши бўлса, бу ташкилотнинг фаолиятини эътиборга олди. Ўрганди. Ўзининг бюро мажлисида кўриб чиқди ва ибратли ишларни бошқа ташкилотларда ҳам оммалаштириш тадбирларини белгилади.

Олимжон УСАНОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон ХДП Балиқчи туман кенгаши партия сафларини мустаҳкамлаш ва ХДП аъзоларининг фаоллигини оширишга эътиборни кучайтирмоқда. Яқинда кенгаш ўз ташаббуси билан партия ҳужжатларини қайта назоратдан ўтказиш ишларини бошлаб юборди. Партия аъзоларининг шахсий ҳаёти ва меҳнат фаолиятида рўй берган ўзгаришлар уларнинг ҳисоб варақаларига қайд этиб қўйиляпти. Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига доир бошқа муҳим маълумотлар ҳам ўрганиб борилаётир.

— Асосий муддаомиз бошланғич партия ташкилотларининг ишини жонлантиришдир, — дейди туман кенгаши биринчи котиби, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг аъзоси Саодат Расулова. — Партия ҳужжатларини солиштириш ва қайта назоратдан ўтказиш ишлари жойларда юзма-юз мулоқот тусини олаяпти. Ўзаро суҳбатлар ва учрашувларда республикамиз Президентининг Фармонлари кенг тарғиб қилинмоқда. Ўзбекистон ХДПнинг Миллий истиқлол мафкурасига доир қизғин савол-жавоблар бўлаяпти...

Туман кенгаши ташаббуси билан амалга оширилган бу янгилик жойларда қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Партия ишларини талаб даражасига кўтаришда бошланғич ташкилотларга ёрдам бериляпти.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ДИЛИ ВА ТИЛИ БИР ХАЛҚМИЗ

Олтинчи вазифа. Давлатчилик тизимини мустаҳкамлайлик, дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликни бош мезон этиб, дунё ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллайлик!

Ислом КАРИМОВ.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ПОҒОНАЛАРИ

Ҳар бир суверен давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, аввало унинг аниқ ташқи сиёсий йўли билан белгиланади. Мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий қоидалари Президент И. А. Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" рисоласида ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Конституциясида қонунлаштирилди.

Мамлакатимизнинг жаҳон халқлари тинчлиги ва хавфсизлигига мос бўлиб тушган тинчликсевар ташқи сиёсати унинг жаҳонда мустақил давлат сифатида тезда тан олинишини таъминлади. Бугунги кунда Ўзбекистон мамлакатни бирлаштирувчи Қўшилмаслик ҳаракатига қабул қилинди. Бўлғуси жаҳон парламентининг тимсоли бўлмиш Парламентлараро Иттифоққа кирди.

Ўзбекистон Республикаси бир қатор ихтисослашган нуфузли халқаро иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ташкилотлар — Жаҳон иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Республикасининг давлат мустақиллигини дунёдаги барча нуфузли мамлакатлар тан олдилар.

БМТ ваколатхонасининг фаол иштирокида Ўзбекистонда кўплаб халқаро тадбирлар ўтказилмоқда. Чунончи, Тошкентдаги БМТнинг қочқинлар иши бўйича олий комиссарининг вакили Тожикистон қочқинларини юртига қайтариш, уларга БМТнинг инсонпарварлик ёрдамини етказиш бўйича катта тадбирларни амалга оширяпти.

Мамлакатимиз 1992 йил февраль ойида дунёда тинчликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича катта тадбирларни амалга ошираётган нуфузли халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлиб кирди. И. Каримовнинг 1992 йил 9-10 июлда бўлган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгашининг мажлисида иштирок этиши, унда нутқ сўзлаши ва Кенгашнинг 10 июлда бўлган мажлисига раислик қилиши Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаётганлигининг далилидир. Шу йил сентябрь ойининг охирларида Тошкентда ЕХҲКнинг умумий масалаларга бағишланган халқаро анжумани бўлиб ўтди, унда Кенгаш фаолиятининг барча қирраларига оид масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон жаҳондаги 105 Халқаро қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Халқаро меҳнат ташкилоти ва бошқа ташкилотларнинг аъзосидир.

Мамлакатимиз мустақил давлат сифатида азон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена Конвенциясига, азон қатламини камайтирадиган моддалар ҳақидаги Монреал Протоколи, атроф-муҳитга таъсир этувчи воситаларни ҳарбий ёки бошқа душманлик мақсадида қўллашни тақиқловчи конвенция, ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартномаларга қўшилган.

Ташқи сиёсатимизнинг асосий йўналишларидан бири Марказий Осиёдаги Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон билан ҳамкорлик, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган. 1994 йил январь ойида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида товарлар, хизматлар, сармоялар ва ишчи кучларининг эркин ўтиб туришини назарда тутувчи ҳамда ўзаро келишилган кредит-ҳисоб-китоб, бюджет, солиқ, нарх, бож ва валюта сиёсатини таъминловчи ягона иқтисодий маконни ташкил этиш тўғрисида шартноманинг имзоланиши бу мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни янги поғонага кўтарди.

Ташқи сиёсатимизнинг муҳим йўналишларидан яна бири — Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда араб мамлакатлари билан давлатлараро муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган. 1992 йил 28 ноябрда мамлакатимиз Покистон, Эрон ва Туркия томонидан тузилган иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиб кирди.

Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг расмий давлат сафарлари натижасида Жанубий Кореянинг оламга машҳур ДЭУ корпорацияси Асака шаҳрида автомобиль заводи қуришни тугалламоқда. Завод енгил, йўловчилар ташувчи ва юк автомобиллари ишлаб чиқариш арафасида турибди. Хоразмда Германиянинг "Мерседес-Бенц" фирмаси томонидан эса автомобиль заводининг қурилиши ва унда юк автомобиллари ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши ҳам ҳамкорлик меваси.

Ҳа, Ўзбекистон ташқи сиёсатида иқтисодий омиллар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Хорижий мамлакатлардан бизга илғор технологиялар, сармоялар кириб келиши, кўплаб қўшма корхоналарнинг қурилиши оқилона ташқи сиёсатнинг натижаси. Ҳозирги кунда республикамизда барпо этилган 1700 га яқин қўшма корхона жаҳондаги 65 мамлакатдан келган шериклари билан биргаликда ишлаб турибди.

Тарихий қисқа даврда халқаро муносабатларни йўлга қўйиш ва уни ривожлантириш борасида диёримизда бир неча ўн йилликларга арзийдиган ишлар амалга оширилди. Ўзининг тинчликсевар, яхши қўшничилик, ўзаро фойдали ҳамкорликка қаратилган сиёсати ва фаолияти билан бутун дунёга танилди. Жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Унинг мавқеи йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда.

Қамариддин УСМОНОВ,
ТошДУ қошидаги Олий педагогика институти тарих кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори, профессор.

КЎПГА СУЯНГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Президентимиз Ислом Каримов республика Олий Кенгашининг кейинги сессиясида долзарб вазифаларга тўхталар экан, давлатчилик тизимини мустаҳкамлаш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Бу бежиз эмас. Чунки ҳар қандай мамлакатнинг равнақи ундаги бошқарувнинг қай даражада оқилона ташкил этилганлигига боғлиқ.

Бу жиҳатдан мустақил республикамизда тарихан қисқа вақт ичида анча ишлар қилинди. Президентимиз, Олий Кенгаш миллий давлатимиз ривожининг бутун бир тарихий даврида давлат тизимини, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларини янгича мазмунда шакллантириш, такомиллаштириш борасида яловбардор бўлди.

Юртимиз пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган 200 дан зиёд турли қонун ва бошқа ҳужжатларни қабул қилишда депутат сифатида шахсан иштирок этдим. Бундай ҳужжатларнинг ҳар бир банди юзасидан мулоҳаза юритишга, баҳслашишга, кўпчилик фикрини ўрганишга, илғор мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олишга тўғри келди.

Ўзбекистонда собиқ иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб президентлик бошқаруви жорий этилди. Толеимизга шукрким, бу нарса ҳаётда ўзини оқлади. Кўп ўтмай ҳокимлик тизими ҳам ўз самарасини кўрсата бошлади. Энди вилоят ва туманларда, шаҳарларда юрт учун, халқ учун жавоб берадиган аниқ масъул раҳбар бор.

Фақат бугина эмас, Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ҳам халқни ўз-ўзини бошқаришга ўтказиш йўлидаги дадил қадам. Концерн, компания, қўшма, шахсий ва кичик корхоналар аҳолини моддий ишлаб чиқаришдаги иштирокинигина таъминлаб қолмасдан, айни пайтда фуқароларда мамлакат тақдири учун масъулият ҳиссини ҳам кучайтирмоқда.

Маҳаллалар фаолиятига кенг имкон берилиши тарихий анъаналаримизни тиклаш йўлидаги ажойиб иш бўлди. Чунки бу масканлар азалдан тарбия ва маданият, фикрлашув маркази бўлган. Кўплаб муаммоларимизни маҳалла фаоллари орқали ҳал қиламиз. Улар туман ҳокимлигининг энг яқин кўмакдоши, маслаҳатгўйи.

Қилинган ишлар ҳадемай тарихга айланади. Ҳозир эса олдимизда масъулиятли вазифа турибди. Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловларни уюшқоқлиқ билан ўтказишимиз керак. Зеро, бу тадбир давлат тизимимизни тағин ҳам мустаҳкамлашга, такомиллаштиришга катта ёрдам беради.

Абдушукур МУҲАММАДҚУЛОВ,
Челак тумани ҳокими.

ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МЕНИНГ

Фарғонада туғилиб, ўсдим. Турли соҳаларда, шу жумладан, вилоят миқёсидаги раҳбарлик лавозимларида ишладим. Бутун онгли ҳаётим ўзбеклар диёрида, шу меҳнаткаш, қалби дарё, улуғ халқ орасида ўтаётганидан мамнунман. Вилоятда кўп минглаб корейслар яшашади. Аммо улар ўзларини бегона юртда деб асло ўйлашмайди. Чунки, бу юртда миллатлараро дўстлик, ўзаро ҳурмат ҳаётимизнинг бош мезони.

Халқимизнинг ўзлигини таниши, ўз миллий маданиятини ривожлантириши, вилоят ижтимой-иқтисодий ҳаётида фаол қатнашиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Вилоят корейс маданий маркази юзлаб корейсларга уларнинг шўро тузуми даврида деярли унутилган маданияти, урф-одати ва анъаналарини тиклаш учун катта кўламли иш олиб боряпти. Корейс бадиий ҳаваскорлик жамоалари Наврўз байрамларига, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик кунига, Конституция кунига бағишланган тантаналар ва бошқа тадбирларда фаол қатнашяпти.

Вилоят ўлкашунослик музейи билан ҳамкорликда доимий ҳаракатдаги "Фарғона вилояти корейслари ҳаёти ва маиший турмуши" кўргазмасини ташкил этдик. Республика Президенти И. А. Каримовнинг "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг" номли китоби асосида мусиқавий кеча ўтказдик. Унда юзлаб турли миллатларга мансуб кишилар қатнашди. Маданий марказ фаолиятига яқиндан ёрдам кўрсатаётган вилоят,туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларидан беҳад мамнунмиз.

Биз корейслар Ўзбекистонни ўз она юртимиз деб биламиз. Унинг келажаги учун шу жаннат монанд заминда яшаётган барча миллат вакиллари сингари куч-қувватимизни аямай меҳнат қиламиз. Зеро, халқлар дўстлиги мустаҳкам, барқарор бўлган жойда тараққиёт бор. Юксалиш, фаровонлик, бахт-саодат бор.

Р. ЛЯН,
Фарғона вилоят корейс маданий маркази раиси, Ўз ХДП вилоят кенгаши тафтиш комиссияси раиси.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Қадрли муштарийлар!

Ҳозир республиканинг барча почта бўлимлари, матбуот тарқатиш тармоқларида "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетаси учун 1995 йилга обуна давом этяпти.

Сиз *"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"* газетасида республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги янгиликлар, бутун жаҳонда бўлаётган воқеалар, шунингдек, турли рукнлар остида барча соҳаларга, сиёсий партиялар фаолиятларига тегишли маълумотлар билан танишиб бориш имкониятига эга бўласиз.

Яширмаймиз, газетамиз чакана савдога жуда оз миқдорда чиқарилади. Шунинг учун уни мунтазам ўқиб бораман десангиз, унга ОБУНА БЎЛИНГ!

Билиб қўйинг, бизнинг газетамиз обуна баҳоси республика етакчи рўзномалари орасида энг арзонидир.

Фуқаролар учун:
бир йилга — 252 сўм,
олти ойга — 126 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун:
бир йилга — 528 сўм,
олти ойга — 264 сўм.

Обуна — 95

БУ ҲАМ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ДЕМАКДИР

Республикамизнинг бошқа шаҳар ва туманларида бўлгани сингари Қизилтепа туманида ҳам 1995 йил учун турли нашрларга обуна бўлиш қизғин давом этмоқда. Бу ўринда туман ташкилотлари билан бир қаторда "Деҳқонобод", "Тошработ", "Меҳнат-роҳат", Қ. Қобилов номли жамоа хўжаликларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Мазкур хўжаликларда марказий нашрларга, жумладан, "Ўзбекистон овози", "Халқ сўзи", "Туркистон", "Қишлоқ ҳақиқати" рўзномаларига обуна бўлиш шу кун талаби даражасида олиб бориляпти. Айниқса, Қ. Қобилов номли жамоа хўжалигида бу хайрли ишга жиддий эътибор билан киришилган. Ушбу жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, ЎзХДП аъзоси Ҳ.Ҳамдамов ҳамда раис муовини, хўжалик бошланғич партия ташкилоти котиби Н. Сайфиевларнинг ташаббуси билан қатор марказий газеталарга ўз вақтида обуна бўлинди. Энг қувончлиси, отахон рўзномамиз — "Ўзбекистон овози"га хўжалик ҳисобидан рағбатлантириш тарзида обуна расмийлаштирилаётганлигидир. Хўжалик ишлаб чиқаришида фаоллик кўрсатган ҳамда меҳнат, уруш ва партия фахрийлари саналган 30 нафар киши келгуси йилдан бошлаб рўзномамизни бепул мутолаа қилишади. Чунки хўжалик бошқаруви бюджетидан 7560 сўм маблағ ажратиб, фахрийларни бепул обуна билан мукофотлашди. Бундай рағбатга сазовор бўлганлар сафида Р. Сафаров, Қ. Тўлаев, Н. Амриллаев, И. Ғафуров, Қ. Аҳмедов сингари пешқадам механизаторлар, муҳандис, ҳосилот ва бригада бошлиқлари бор.

Шунингдек, хўжаликдаги консерва заводида ҳам обуна уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Бу ўринда завод директори, ишбилармон раҳбар Х. Хайриевнинг ғайрат-шижоати каттадир. Унинг ташаббуси билан завод ишчиларидан 10 киши "Ўзбекистон овозви"га бепул обуна қилинди.

Бу каби хайрли ишларни ижтимоий ҳимояга муҳтожларга ва меҳнат фахрийларига бўлган ҳурмат, эъзоз, деб тушунмоқ керак. Қани энди бу ташаббус бошқа ташкилот ва хўжаликларда ҳам кенг қулоч ёйса!

Музаффар ШАРОПОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

Ишбилармон ва тадбиркорлар диққатига! Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот шаҳрида 1994 йил 18 ноябрда кўчмас мулк бўйича ким ошди савдоси ўтказилади.

Савдога қуйидаги иншоотлар қўйилади:

ҚЎНҒИРОТ МЕҲМОНХОНАСИ

Қўнғирот шаҳрининг марказий қисмида, темир йўл вокзали яқинида жойлашган. Уч қаватли. Эгаллаган майдони - 2400 кв.м. Иситиш, сув ва электр таъминоти тармоғи марказлашган, хоналар зарур ашёлар билан жиҳозланган. 1990 йилда фойдаланишга топширилган.

Бошланғич баҳоси — 237 минг сўм.

ҲАММОМ

Қўнғирот шаҳрининг марказий қисмида жойлашган. Бир қаватли деворлари пишиқ ғиштдан 1960 йилда фойдаланишга топширилган. Алоҳида қозонхонаси бор. Сув, электр таъминоти ва канализация тармоғи марказлашган тизимга уланган.

Бошланғич баҳоси — 8 минг сўм.

ҲАММОМ

Қўнғирот туман Устюрт жамоа хўжалигидаги "Жаналиқ" аҳоли пунктида жойлашган. Бир қаватли, деворлари пишиқ ғиштдан. Алоҳида қозонхонаси бор. Сув ва электр таъминоти марказий манбаларга уланган. 1992 йилда фойдаланишга топширилган.

Бошланғич баҳоси — 20 минг сўм.

МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОМБИНАТИ

Қўнғирот туманида жойлашган. Бир қаватли, деворлари пишиқ ғиштдан. Алоҳида қозонхонаси бор. Сув, электр таъминоти марказий тизимга уланган. 1987 йилда фойдаланишга топширилган.

Бошланғич баҳоси —20 минг сўм.

ҲАММОМ

Қўнғирот туманидаги Ажниёз номли жамоа хўжалигининг марказида жойлашган, Бир қаватли, деворлари пишиқ ғиштдан. Алоҳида қозонхонаси бор. Электр сув таъминоти марказий манбаларга уланган. 1986 йилда фойдаланишга топширилган.

Бошланғич баҳоси — 30 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН БОЛАЛАР БОҒЧАСИ

Қўнғирот шаҳрининг Олтинкўл посёлкасида жойлашган. Қурилиш 1991 йилда бошланган, ҳозир пойдевор қурилиши 90 фоизга, девор қурилиши 20 фоизга бажарилган. Ажратилган ер участкаси - 1 гектар.

Бошланғич баҳоси— 50 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН УЙ

Қўнғирот туманидаги "Қўнғирот" жамоа хўжалигида жойлашган. Қурилиш 1991 йилда бошланган. Пойдевор қурилиши 100 фоизга бажарилган. Ажратилган ер майдони - 0,06га.

Бошланғич баҳоси — 1 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН УЙ

Қўнғирот туманидаги "Қўнғирот" жамоа хўжалигида жойлашган. Қурилиш 1991 йилда бошланган. Пойдевор қурилиши 100 фоизга бажарилган. Ажратилган ер майдони - 0,06 га.

Бошланғич баҳоси — 1 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН УЙ

Қўнғирот туманидаги "Қўнғирот" жамоа хўжалигида жойлашган. Қурилиш 1991 йилда бошланган. Пойдевор қурилиши 30 фоизга бажарилган. Ажратилган майдони - 0,08 га.

Бошланғич баҳоси — 500 сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН МАИШИЙ ХИЗМАТ КОМБИНАТИ

Қўнғирот туманидаги "Қўнғирот" жамоа хўжалигида жойлашган. Қурилиш 1991 йилда бошланган. Пойдевор ишлари 100 фоизга бажарилган. Ажратилган ер участкаси- 0,80га.

Бошланғич баҳоси 3 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН УЙ

Қўнғирот туманидаги "Хоразм" жамоа хўжалигида жойлашган. Пойдевори ва деворлари темир бетон блоклардан.

Бошланғич баҳоси — 7 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН УЙ

Қўнғирот туманидаги "Хоразм" жамоа хўжалигида жойлашган. Пойдевори ва деворлари бетон блоклардан.

Бошланғич баҳоси — 3 минг сўм.

ҲАММОМ

Шуманай туманидаги "Дослик байраги" жамоа хўжалигининг аҳоли гавжум жойида жойлашган. 1983 йилда ишга туширилган. Бир қаватли, деворлари пишиқ ғиштдан, томи шифердан иборат. Ажратилган ер майдони - 240 кв.м. Алоҳида қозонхонаси бор. Газ ва электр таъминоти марказий манбаларга уланган.

Бошланғич баҳоси — 23,5 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН СУЗИШ ҲАВЗАСИ

Нукус шаҳрининг 23 - микротуманида жойлашган. Қурилиш 1981 йилда бошланган ва 1993 йилда тўхтатиб қўйилган. Пойдевори ва деворлари қуриб бўлинган.Эшик ва дера-заларнинг 85 фоизи ўрнатилган.

Бошланғич баҳоси — 250 минг сўм.

"КАВЗ-68" АВТОБУСИ

1982 йилда ишлаб чиқарилган. Ҳозирги вақтда баъзи деталлар ва қисмларнинг етишмаслиги сабабли ундан фойдаланилмаяпти.

Бошланғич баҳоси — 8 минг сўм

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛГОҲ:
Қўнғирот шаҳри, Ҳокимият биноси, 9-хона,
Нукус шаҳри, "Дослик гузари" кўчаси, 94ª уй, 7-хона.
Ким ошди савдосида иштирок этиш учун аризалар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9 дан 18 гача қабул қилинади.

МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
Қўнғирот шаҳри (361-31) 2-37-47,
Нукус шаҳри (361-22) 4-18-63.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ШАХТАДА РЎЙ БЕРГАН ФАЛОКАТ

Жанубий Африка Республикасининг Йоханнесбург шаҳри яқинидаги олтин конида юз берган ўпирилиш оқибатида бир неча киши ҳалок бўлди.

Мутахассислар фикрича, чуқурлиги уч минг икки юз метр бўлган ушбу шахтанинг ўпирилишига 2,5 балли ер силкиниши сабаб бўлган.

ТОЖИКИСТОНДА САЙЛОВ

Тожикистонда президентлик сайлови ниҳоясига етди. Марказий сайлов комиссиясининг матбуот гуруҳи бошлиғи Мизроб Кабировдан олинган дастлабки маълумотга қараганда, Имомали Раҳмонов сайловда тахминан 60 фоиз овоз олган.

Имомали Раҳмоновни республика жанубидаги Хатлон вилояти сайловчиларининг 90 фоизи қўллаб-қувватлади. Душанбеликлар унга 66 фоиз овоз беришди.

САФАР БОШЛАНДИ

Россия Федерация Кенгаши раиси Владимир Шумейко раҳбарлигидаги парламент делегацияси уч кунлик расмий ташриф билан Жанубий Корея республикасига келди.

Мазкур сафардан мақсад, парламентлараро муносабатларни ва икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликни ривожлантиришдир.

МАЙКЛ РОУЗ БОСНИЯНИ ТАРК ЭТАДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳарбий кучларининг Босниядаги қўмондони бўлган Британия ҳарбий кучлари генерали Майкл Роуз декабрь ойининг бошида — яъни муддатидан бир ой олдин Боснияни тарк этади, деб хабар беради АҚШнинг "Ньюсуик" журнали.

"КИМ ОШДИ" САВДОСИ

Хитой пролетариатининг доҳийси, "маданий инқилоб" даври ўлмас ғоялар ижодкори Мао Цзэ Дуннинг уч метрлик алюмин ҳайкали тарихий Ватанни тарк этиб, хорижда "ким ошди" савдосига қўйилади, деб хабар беради "Тяньцзинь Жибао" газетаси.

Доҳий ҳайкалининг бошланғич нархи 120 минг долларни ташкил этади.

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДА ҚОЛДИРИЛАДИ

БУЭНОС — АЙРЕС. Чили ҳукумати мамлакат мис саноатини бундан кейин ҳам давлат тасарруфида қолдириш ва ушбу тармоқдаги бирон-бир корхонани хусусийлаштирмаслик ҳақида қарор қабул қилди.

Маълумки, Чили жаҳондаги энг кўп мис экспорт қилувчи давлат ҳисобланиб, қазиб олинган мис рудасининг қарийб 97 фоизини чет мамлакатларга сотади.

АСКАРЛАР ГАИТИДАН ОЛИБ ЧИҚИЛАДИ

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ Президенти Билл Клинтон бир неча минг Америка ҳарбий хизматчиларини Гаити ва Форс кўрфазидан олиб кетиш ҳақида қарор қабул қилди, деб хабар беради "Нью-Йорк Таймс" газетаси.

Бундан ташқари, АҚШ Президенти шу йилнинг 1 декабрига қадар яна 6000 нафар Америка аскарини Гаитидан олиб чиқиб кетишга кўрсатма бериши кутилмоқда.

КАШАНДАЛАР КЎПАЯЁТГАНИДАН ТАШВИШДА

ПЕКИН. Хитой ҳукумати тамакига қарши умуммиллий курашни кучайтириш мақсадида сигарет нархларини ошириш масаласини кўриб чиқяпти.

Хитой соғлиқни сақлаш вазири Чэнь Миньчжаннинг айтишига қараганда, ҳукумат мамлакатда кашандалар кўпайиб бораётганлигидан ташвишга тушмоқда. Ҳозирги кунда Хитойда 300 миллион кашанда бор.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ОЛТМИШ йил... Кўпми, озми? Кимгадир оз туюлар, кимгадир... Лекин Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси учун бу сана катта бир тарих, сирли дунё. Унинг ўқилган ва ўқилмаган турли рангдаги саҳифалари бугунги авлодлар учун ҳам сабоқ, ҳам бой меросдир. Олтмиш йил қатида халқимизнинг неча юзлаб, минглаб иймонли ва юраги тоза ижодкорларининг ғаройиб ва ғалати тақдирлари ётибди. Уларни ўқиб-ўрганмоқ учун ҳали кўп йиллар керак. Ёниб турган ўша чироқлар бизларни ҳар куни сергакликка ундайди.

Зеро, бугун... Уюшманинг катта тўйи арафасида турибмиз. Бу кутлуғ сананинг мамлакат миқёсида кенг нишонланиши ҳам ҳукуматимизнинг ижодкор-зиёлиларга бўлган ҳурматидан нишонадир.

Тўй баҳона уюшманинг кеча ва бугунги саҳифаларига назар солдик.

Шоир ҳақида шингил ҳикоя

ҒАФУРОНА САФАР

Ўзбекистонда бир аёл яшайди. Унинг овозини эшитган, ойнаи жаҳонда кўрган, кўча куйда учратган катта-кичик ҳамма танийди. Агар таъбир жоиз бўлса, у инсон қалбининг нозик ҳиссиётлари, ажиб туйғулари — муҳаббат, вафо, садоқатнинг жонли тимсоли. Унинг соф муҳаббатига, беғубор севгисига ҳавас қиламан. Беқиёс вафосига тан бераман. Уни танийсиз. Катта шоира. Катта инсон. Зулфия...

ИЛК МУҲАББАТ тароватли тонг билан юз кўришганда эрта баҳор эди. Севгининг энг тотли, ширин баҳори ижод баҳорига ҳамоҳанг бўлганди ўшанда. Қудратли қўллар ва сахий қалбга эга темирчи отасини севган, остона ҳатлаб кўчага чиқмаган онаси инсонни гўзаллик сари етакловчи, сўзга шайдолик ҳиссини қалбида уйғотганидан уни боши узра кўтаргудек эъзозлаган ёш қиз севги деганда, фақат ана шу меҳрибонларига нисбатангина бўладиган ҳиссиётни тушунарди. Бироқ шеъриятга ташна, олам кўзига фақат гўзал кўринувчи ёш шоира юрагига шундай севги учқуни учиб кирдики, унинг алангаси қиз қалбини қийнар, кўнглига ором бермас, кўзларидан уйқу ўғирлаганди. Наҳот, ўйларди, бу буткул ўзга муҳаббат бўлса, нечук у тинчлик бермайди, ҳар нарса, ҳар қандай ўзга қараш бўй-басти келишган, кўринишданоқ қатъиятли, тийрак кўзларни ёдга солади. Ростини айтганда, барига ана шу кўзлар, уларнинг оловли, жозибали қарашлари, меҳрла боқиши сабабчи бўлди. Қиз бу ёқимли "таъқиб"ни сезарди. Сезардию бутун вужудини ширин сурур, ҳеч кимга айтиб бўлмайдиган, айтгандаям тушунтириш мушкул ҳис-туйғу қамраб оларди. У энди бир нарсани аниқ англаганди. Севимли, ардоқли ота-она севгиси ёнига яна бир оташ муҳаббат қўшилгандики, қиз энди усиз ҳам яшай олмасди.

Қиз ўз ҳолатини бировга айтишдан ийманар, биргина сирдоши шеърлари эди. Аммо сир сақлаб бўлмади. Сезди. Тийра шомдек тим қора кўзли йигитнинг ўзи сезди. Кўзлар тўқнашганда азалий қадрдонлардек беун тушунишарди бир бировини. "Севги, муҳаббат" кўчасига авваландоқ кириб юрганимда, балки шундай дамда нималар дейиш керагини билган бўлармидим... Қандай шоир бўлайки, қаршингизда ҳамиша лол турсам, ўз кечинмаларимни ҳатто изҳор этолмасам... Эшитинг-а, юрагим сизнинг азиз номингизни айтиб урянти. Унинг тўри сизники, Кўзларимда кўзингизнинг нурли шуъласи акс этаяпти. Демак, у ҳам сизники, қаламим учига тўпланиб, сафид қоғоз билан юз кўришишга мушток мисралар жавоб кутади, улар қотиб қолмасин".

Дунёда шундай чиройли гаплар борлигини энди эшитаётгандек лол қолди қиз, йигитга миннатдорона тикилдики, бу унинг бесўз жавоби эди. Муқаддас севги изҳори гуё қизнинг бўйнига ўша кимса ўз қўли билан тақиб қўйган муқаддас тумор эди.

Оналик ҳиссиёти-ла тўнғич фарзанд лаззатини тотган биринчи тунда қўлига мактуб тутқазишди. "Унутманг, азизам, иккимизни энди ҳеч қандай куч айиролмайди. Фарзандимиз бор, овозим борича жар солсам дейман". У жар солдиям, севимли маҳбубаси, фарзандлар бахти, озод юрти ҳақида баралла, бор овоз-ла куйлади...

ВАФО ТОНГИ шу тариқа яна баҳорда ота бошлади. Буни шоира ўзи сезмагандир. Унинг кўксидаги жаҳжи юракка сиғмаган, булоқдек тиниқ, биллурдек покиза севги ёнига аҳдли вафо қачон қўшилиб кетганини у эслолмайди. Зеро, бунинг ҳожати ҳам йўқ. Заифалар вафо учун туғилади , деган зот бежиз айтмаган экан. Шоира бунга ишондиям. Бокира юзига севимли кимса лаб босган он, унинг қайноқ нафаси баданни жимирлатиб қиздирган дақиқа ва сир сақлаган муҳаббати "фош" бўлиб қолган сонияда тақилган севги тумори ёнига вафо тумори ҳам қўшилганди. Шоира бўйнига уни яна ўз эгаси меҳрибон ғамхўри, фарзандлар отаси тақиб қўйди. Муҳаббати аён бўлиб қолса, кейин бари — дунёдаги жамики сирли нарсалар оддий бўлиб қолишидан чўчиганди. Акси бўлди. Авваллари фақат гўзал кўринган нарсалар энди янаям жозибали, кўзни олгувчи эдики, уларни фақат шеърий мисралардагина ифодалаш мумкин бўларди. Ижодкорнинг рафиқаси бўлиш мушкул, дейдилар. Аммо у ҳам ижод дарди билан енса-чи, қаршисидаги катта қалам соҳиби теран фикрлашга, кўп ўй суришга, ижод нашидасини суришга ундаб турса-чи?! Буларнинг бари икки гўзал қалб, икки дил куйловчисининг меҳр-муҳаббат, аҳду вафо қалъаси янаям мустаҳкамлигига гувоҳ эди. Бу ҳаммага, айниқса севишганлар, аҳду паймон қилганларга ибрат бўладиган қалъа эди, шундай бўлиб қолди ҳам...

"Бахтиёр севгини куйларди созим,
Ўлим ҳанжарига тегдию синди.
Ҳижрон фарёдидай совуқ овозим,
Наҳот лириканинг ёлқини тинди?!"

Ўлим ҳақ эмиш. Йўқ, бу сафар у ноҳақлик қилганди. Қаттиқ янгилиқдию, аммо кеч эди. Наҳот интиқ диллар энди тиллашганда, фикрлар энди жамланганда, азизлар энди топишганда ногоҳоний тасодиф айрилиққа сабаб бўлса?! Ахир, бутун борлиқ, шоирани тим қорага ўраган бу машъум хабарни ҳеч ким кутмаганди-ку! Нима содир бўлди ўзи? Кечагина гавжум анжуманда, салобат билан шеър айтган товуши умрбод сўндими, фарзандларини ёнига олиб, уларни эркалаб, суйган дамлар кўплик қилдими? Наҳот қалам учи қотиб қолди. Энди ким шоирани ижод гулшанига етаклайди?

Мотам куни шоира наздида тонг отгани йўқ. Ўша кун қоронғу зулматдек эди. Унинг ҳаётида даҳшатли, аламли кун шу кун бўлиб қолди. Кечагина табиат инъомининг барча гўзаллигини ўзида мужассам этган, юриш-туриши, боқиши, шодон сўзлашлари, ижоди — бари гўзал, шоирона бу кун таниб бўлмасди. Бешафқат айрилиқнинг азобини елкасига олишга мажбурлигини шоира қабристонда, видолашувнинг сўнгги дақиқаларидагина сезди. Чунки шу дамгача кутди. Назарида шоири, севимли ёри "ҳозир қайтаман", дея чиқиб кетгану ва у ҳақиқатан ҳам ҳозир эшикдан кириб келадигандек. Ана унинг дадил одимлари қулоққа чалинди. Ҳозир, ҳозир эшик зарб билан очиладию, остонада... Шоира дод солди, фарёд урди, аммо овози чиқмасди. Эй, воҳ, майин, латофатли шоир қулоғига ҳамиша шеър мисрасидек қуйилган овоз ўрнида қалб тубидан нидо эшитилди. Бироз сукунатдан сўнг овозини зўрға кўтарди. "Азизим, сизга ўлим йўқ, мен ҳаёт эканман, сиз мен билансиз. Энди юрагим икки кимса учун уради, кўзларимда кўзингиз нури... Сиздек яшай олсам, умрим мақсади шу"...

САДОҚАТ туморини шоира ўзига ўзи тақди...

Дарвоқе, ҳаёт ўз оқимида бундай садоқатга, аёл садоқатига дуч келганини эслолмаса керак. Аёл табиати қизиқ. Қалбидаги ҳиссиётлар улғая борган сари янгиларига замин тайёрлайди. Аслида севги, вафо ҳам ўз садоқати билан ардоқли, эъзозли бўлмаганмиди? Ҳаёт деганлари барини аста тушунтиradию, аммо садоқатнинг чегара чизиғини тортишни унинг ўзига ҳавола этарди. Шоира уни шундай белгилади: ёрига садоқат — эл-юртга садоқат. Шу сабабдир, ҳар қачон бўлганидек унинг булоқдек тиниқ садоқати туфайли азиз шоири қайта умр кўраяпти, биз билан яшаяпти.

Ҳижронни қалбига буткул жо этган шоира ёри билан дардлашади. Кундуз ижодхонасининг тўрига ўтқазиб, ўзи унинг қаршисида ижод оғушига шўнғийди. Дўстлар давраси тўрида икки катта ижодкорнинг ўрни туради. Унинг иккисини ҳақли равишда шоира эгаллайди. Оилада фарзандлар, набиралар тўпланишганда азиз умр йўлдоши, меҳрибон отанинг ўрни бўш қолмайди. Ҳам ота, ҳам она бўлиб уни яна садоқат рамзи — шоира эгаллайди.

Садоқати ҳам севгиси каби дастлаб ушоқдек эди. Энди уни ҳамма билади, эъзозлайди, таъзим айлайди. Уни шаҳримизда, мамлакатимиздагина эмас, бутун дунёда билишади. Ажойиб шоиралиги, нафис шеърияти учун миннатдор қутлашади. Аммо улкан вафоси олдида беихтиёр бош эгишади, таҳсинлар ўқишади.

Унинг садоқати катта солнома қилишга арзигулик. Мамлакатимизда истиқлол тонги отганига шукрона айлаб, ҳали ҳануз халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарликни, меҳр-оқибат, севги, вафо ва садоқатни қуйлаётган, қалбим тўрига чуқур ўрнашган, ёшлигимдан шеърларини ёд олган шоира Зулфия ҳақида сўз очишга, катта ҳаёт китобининг бир саҳифасини варақлашга, садоқати олдида ҳамиша таъзимда эканимни изҳор этишга журъат айладим.

Умида ФАЙЗИЕВА.

САДОҚАТГА ТАЪЗИМ ҚИЛИНГ!

"Алпомиш"нинг 1000 йиллигини ўтказиш бўйича маълум тажриба тўплаш эди. Шу сабабли у кузда "Жангар"нинг тўйига бориш истагида Тифлис сафаридан воз кечиб, Тошкентга жўнади. Ғафур Ғулом ёзувчиларнинг вакили сифатида А. Церетелининг юбилейига борадиган бўлди.

Иттифоқдош республикалардан Москвага келиб, Элистага боришга тараддуд кўраётган ёзувчилар режаси барбод бўлмаслиги учун СССР Ёзувчилар уюшмасининг таклифи билан гуржи адабиётининг мумтоз сиймоларидан бири Акакий Церетелининг 100 йиллиги юбилейи бир оз олдинга сурилди. Ва меҳмонлар Тифлисга — гуржи адабиётининг улкан маъракасида қатнашиш учун борадиган бўлдилар.

Ҳамид Олимжоннинг Элистага боришдан мақсади учун бормоқчи эдилар. Аммо Қалмиқ элати бундай катта тантаналарга ҳали тайёрланиб улгурмагани туфайли "Жангар"нинг юбилейи куз ойларига кечиктирилди.

17 июнь куни кўп миллатли СССР Ёзувчилари уюшмасининг делегацияси Киев вокзалида жамланиб, поездга ўтириб. Ғафур Ғулом ҳам ҳамроҳлари билан бирга купени банд қилиб, жомадонини жойлади-да, "бир-икки дақиқа тоза ҳаво оламан", деб ташқарига чиқди. Аммо поезд юра бошлади ҳамки шоирдан дарак бўлмади. Ҳамроҳлари бирор охирги вагонга илинган бўлса, биринчи бекатда купега кириб келади, деб хотиржам эди. Бироқ уч-тўрт шаҳар вокзали ортда қолди, тун пардаси чўкиб, тонг отди ҳам, Ғафур Ғулом йўқ.

Шоири даврон "тоза ҳаво оламан", деб перронга тушган, бир-икки дўкончани қараса, крем-содадан бошқа сафарбоп матоҳ йўқ экан. Шундан кейин тўппа-тўғри ресторанга кириб, хизматчилар билан "муомала" қилиб, бир — икки шишани қўлтиғига қистирганча перрон сари ошиқади. Бироқ не кўз билан кўрсинки, ҳозиргина жомадонини қўйиб, чиқиб келган поезди кетиб қолибди.

Ғафур Ғулом ҳаллослаганча вокзал биносига кириб суриштиради. Аммо яқин орада ўша йўналиш бўйича бирорта поезднинг йўлга чиқиши режалаштирилмаган эди. Бу кулгули вазиятдан хабар топган текинтомошачилар бир пасда унинг атрофини ўраб олиб, маслаҳат бера бошлашди. Шу пайт кимдир: "ҳечқиси йўқ, ташвишланманг, эртага Харьков ё Ростовга учиб борсангиз, шу поездга етиб оласиз", деди. Ғафур Ғулом: "э, боракансан-ку, Ломоносов, шундай ақлни берган отангга раҳмат!" дея самолётга чипта суриштиради. Хуллас, эртаси тонг саҳарда аэропортга бориб, самолётга ўтиради ва Ростов тупроғига келиб тушади. Ярим соат ичида вокзалга етиб олади. Москва-Тула-Харьков-Ростов йўналиши бўйича чиққан поезд ҳали Дон соҳилларига етиб келмаган экан. Кўп ўтмай таниш поезд кўринади. У тўхташи билан Ғафур Ғулом, гўё ҳеч нарса рўй бермагандек, бамайлихотир вагонга чиқади. Купедаги йўлдошлар шоирни кўриб, ҳангу манг бўлиб қоладилар. Ғафур ака эса худди ёндош вагондан чиққан кишидек, "Яхши келяпсизларми?" деб шериклари билан кўришади...

Наим КАРИМОВ.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 60 йиллигига

СУРАТДА: бир гуруҳ ижодкорлар.

МАЪНАВИЯТ БУЛОҒИ

Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташкил топганига 60 йил тўлиши муносабати билан бир қанча тадбирлар ўтказилаётир. Ғузор, Нишон, Қамаши, Муборак туманларида, Қаршидаги бир қанча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ижодкорлар билан бўлиб ўтган адабий кечалар, учрашувлар бунинг далилидир.

— Воҳамизда 300 дан зиёд ижодкорлар бор. Шулардан 17 киши Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, — дейди уюшма вилоят бўлимининг масъул котибаси Шарофат Ашурова. — Улардан 130 га яқинининг ижод намуналарини жамлаб, тўплам ҳолида ёзувчи нашриётига топширганмиз. Насиб бўлса, келгуси йилда босмадан чиқиши керак. Ўнга яқин адибларимизнинг юбилей тўйларини ўтказдик.

Хуллас, вилоятда ижодкорларга эътибор яхши. Маънавий одамни юксалтириш маҳаллий раҳбарларнинг ҳам диққат марказида турибди.

Илҳом КАРОМОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

"ТИЛИНГДАН ОЙНОНАЙ"

Дўрмонда доимий яшаб ижод қиладиган Шукур Холмирзаев қишлоқдан келган оддий мухлисларини кўрганда яйраб кетарди. Бир гал Сайрамдан келган меҳмонлар даврасида гурунг бўлди.

— "Жилаб-жилаб" деган тилингдан ойнонай, жигарим! Қани, ойтинглар, нима қилиб берай Сизларга? Магазинга чиқиб келайми е?

ҚАДРИНИ БИЛГАН УСТОЗ

Болалар шоир Анвар Обиджон янги чиққан китобига шундай дастхат езади: "Болаларнинг биринчи номерли шоири Ҳамза Имомбердиевга ижодий ютуқлар тилаб..."

Шогирд бундай йўқотмайди:

— Жуда яхши-да. Шу ерда гаплашасизларми еки ташқарига чиқасизларми?

Беихтер ҳамма кулиб юборади. Кўнгилларда заррача ғубор қолмайди.

ҲАЛАҚИТ ҚИЛМАЙДИ

Дўрмондан ёзувчиларга дала ҳовли учун ер берилади. Шоир Муҳаммад Али билан ношир Бобохон Шариф қўшни бўлишади. Шаҳардаги бетон дастхатдан ҳам ғурурланиб, ҳам ҳайратланиб ботиниб-ботинмай аста сўрайди:

— Устоз, мен биринчи номерли шоир бўлсам, унда сиз нечанчисиз?

Устоз пинак бузмай дарҳол жавоб қилади:

— Буюкларнинг номери бўлмайди.

МАҲФИЙ ГАП

Мирпўлат Мирзо Дўрмонда ижод қилаётган кунларнинг бирида гурунглашиш учун Исоқ Ўктамовнинг хонасига чиқади. Шоир Мирзо Кенжабек билан ниманидир қизғин муҳокама қилаётган отахон ноқулай бўлсада, ташрифнинг бемаврид эканини айтади:

— Мирпўлат, кечирасиз, Мирзо билан махфийроқ гапимиз бор эди...

Шоир кутилмаган эътироздан мутлақо ўзини йўқотмайди:

— Жуда яхши-да. Шу ерда гаплашасизларми еки ташқарига чиқасизларми?

Беихтер ҳамма кулиб юборади. Кўнгилларда заррача ғубор қолмайди.

ҲАЛАҚИТ ҚИЛМАЙДИ

Дўрмондан ёзувчиларга дала ҳовли учун ер берилади. Шоир Муҳаммад Али билан ношир Бобохон Шариф қўшни бўлишади. Шаҳардаги бетон катакларда яшаб, жисмоний ишлардан йироқлашиб кетган зиёлилар учун бир парча ерни ўзлаштириш ҳам анча мушкул туюлади.

Бобохон Шариф ерини шудгорлаш учун уч-тўртта мардикор ёллайди. Ҳизматда қаттиқ банд бўлганидан ўзи келолмайди.

Муҳаммад Али эрталаб даласига келса, тўртта норғул йигит енг шимариб ерни чопаётган эмиш. Дарҳол масаланинг моҳиятини тушуниб етган шоир худди тилло топиб олгандай суюниб кетди. Янглишиб бошқа ерда ишлаётган азаматларга "Ҳорманглар! Ҳа баракалло, худо куч-қувват берсин сизларга!" дейди-ю уларга "халақит қилмаслик учун" секин жуфтакни ростлайди...

Шодмон ОТАБЕК.

ДЎРМОН ҲАНГОМАЛАРИ

Чимкент вилоят газетаси ходими Ҳавазмат деган йигит езувчини самимий мақтай кетди.

— Шукур ака! Асарларингизни бизнинг қишлоқда ҳам севиб ўқишади. Айрим китобларингиздан таъсирланиб, жилаб-жилаб ўқиганмиз.

Қишлоқ шевасини эшитганда Шукур аканинг юраги тўлиқиб, меҳри янада ийиб кетади. Шартта ўрнидан туриб, Ҳавазматнинг юз-кўзларидан чўлпиллатиб ўпади.

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА

БУРЧ ҲАҚИДА

1

Агар ота бўлсангиз - уйнинг чиниримн, денг,
Етти пуштим меҳрига туташ томириман, денг,
Шул хонадон қувончи -йўғню бориман денг,
Йўқса лаънат тошлари остинда хориман, денг.
Агар чин Эр экансиз - ёрга суянч тоғман денг,
Муҳаббат дарахтига мева осган боғман денг,
Ғам кечасин кундузга алмашган чироғман, денг,
Йўқса бахт этагига тошиб тушган доғман, денг.
Агар ўғил бўлсангиз — бадавлат, давлатман денг,
Ота - она ҳавасин яшнатган шавкатман, денг,
Қариликда буюрган белга куч - қувватман, денг,
Йўқса Аллоҳ қаҳрига учраган сувратман, денг.
Агар Бобо эрсангиз — пири нурафшонман денг,
Қўлим дуога очиқ, эл - юртга дармонман, денг.
Эзгу қадам йўлида ҳазрати Имоммман, денг.
Йўқса: иймони жонга ургувчи ёмонман, денг.
Сиздек лабзи - ҳалоллар, марду - майдон олдида
Аёлнинг боши эгик умрининг сўнггича бор.
У сиз билан, бахтиёр, Сиз аёллар жонида,
Бир сўз билан айтганда Сиз - мўътабар бузруквор.

2

Сиз менинг маъбудамсиз, Маккаю Мадинамсиз,
Волидан меҳрибон оламда ягонамсиз.
Сиз рози, худо рози — не қудратга эгасиз,
Сизсиз етим шодлик ҳам, ташвиш қолур эгасиз...
Хотинлару — отинлар сиҳга олов дил керак,
Чаққонгина қўл билан ширин—шакар тил керак.
Ақл—зако бир ёнда, сабр—тоқат кўп керак,
Хуршиди хонангизга бағрингиздек кўк керак.
Сиз келинсиз — фариштa, таъзим ҳаё ярашар,
Маликан адабга иззату—эъзоз ошар,
Сизга бегона бўлса кўзларга тик қарашлар,
Маҳорату—маҳобат назокатга туташар.
Қизлар киприк устида, қантдек ўсар ўровда,
Ўзганинг хасми сабаб балки яшар бировда,
Меҳр—оқибат тортиб келиб—кетар саросар,
Аммо фарзандлик бурчи — ўғил қизга баробар.
Жаннат экан оналар оёғининг остида.
Зеро, Боғи Эрамга тўлар бўлсин изимиз,
Тоза севги ва иймон, нафосат, нур устида
Ўшал гўзал беҳиштни яратайлик ўзимиз.

ТЎЛҚИН

ЎЗБЕКЛАР ИШИ

Осмон тўлиб юлдуз чарақлаган чоғ,
Мағрур қад керганда юртим тоғ-тоши.
Майин шовулласа обод дала, боғ,
Билингки, бу бари ўзбекнинг иши.

Минг бор камситилиб, дўппосланса ҳам,
Асло эгилмайди, тик бўлар боши,
Кўксига кўл қўйиб, самимий бардам,
Сизни кутса, билинг — бу ўзбек киши.

Қўлидан кетмони тушмаса ҳеч вақт,
Бошидан ошиб-тошиб етса ташвиши.
Фақат меҳнат билан тоза олса бахт,
"Меҳнат таги роҳат" дейди ҳар киши.

Эшиги ланг очиқ, кутади меҳмон,
Қора қозонида дамланган оши.
Халқи омборини тўлдириб ҳар он,
Дастурхон тузаш ҳам, бу ўзбек иши.

Ўт босиб етса гар бир қарич ер ҳам,
Зарра чидолмайди, келади ғаши.
Кўчаси саришта, сувлар сепилган,
Бу ерда яшайди орн бор киши.

Гоҳ бурини устида турсада жаҳли.
Гоҳо ғижирласа ғазабдан тиши.
Боса олар ўзини бу элнинг аҳли,
Ўзин тута олар ҳар ўзбек киши.

Аммо гоҳ бехосдан портлаб кетади:
Ҳар хил номардларга тушганда иши,
Ҳаёт кўпригидан дадил ўтади,
Мақсади аниқ халқ — ҳар ўзбек киши.

Хосият БОБОМУРОДОВА

БИБИХОНИМ

Не-не курашларга гувоҳ Самарқанд,
Сен танҳо, тахтингда минг шоҳ Самарқанд,
Айтсанг-чи, кимларда гуноҳ Самарқанд!
Қийналди, қийналди, қийналди жоним,
Келинг ухламайлик, жон Бибихоним!

Мен олай, Улуғбек, хун ўчингни бер,
Темур бобом, ўткир қиличингни бер,
Битта билакдаги сўнг кучингни бер!
Бир тун шоҳ бўлмасам совумас қоним,
Бу тун ухламаймиз, жон Бибихоним!

Йиқилмоқ ўрнига қад кўтардингиз,
Асрларга ўзни ёд кўтардингиз,
Нафратми ё ишқми, дод кўтардингиз,
Аёл-эй, тинмаган, ўлмаган жоним,
Бу тун ухламайлик, мард Бибихоним!

Мағрурлик сабоғи қандай бўлади.
Устангиз бир "сир"га нелар тўлади,
"Занжирбанд бир шер" бор, барин билади...
Ҳадсиз саволларга тўла тўрт ёним,
Уйғоқ кутайлик, эй-й-й-й, Бибихоним!

Мангулик минорлар кимнинг кўшкидир,
Наҳотки Темурнинг буюк рашкидир,
Наҳотки аёлнинг суюк ишқидир,
Дилингми, дилим, қон Бибихоним,
Бу тун ухламайлик, жон Бибихоним!

***

Отам ётган шул азиз тупроқ
Саждагоҳдир, буюк Ватандир.
Бунда ўсган ҳар гул, япроқ,
Уйғон юртим-жоним Отамдир!

Озод КАРИМ

ЭТМАНГИЗ

Ишқ аро бордир хитобим, билмайин ёр этмангиз,
Нур ёярда офтобим, ёрни зор-зор этмангиз.

Тоқату тоат-ибодат, бўлса севги ганжида.
Авжида куйлаб садоқат, сўнгра бекор этмангиз.

Тонг дуосидан мунаввар, меҳру олам ҳурмати,
Сўзлангу хуш соф адолат мавқини ор этмангиз.

Таънаю, фитна, адоват иллатига беаёв,
Хуш бўлингу, ҳушёр риёзат заҳмини мор этмангиз.

Она юртга чин муҳаббат бирла боқсангиз мудом,
Гулшан ичра бахт топингу, базмини хор этмангиз.

АҲДИМДА ҚОЛ

Эй, кўнгил чин содиқ эрсанг, бир умр аҳдимда қол.
Содиғингман — то тирик жон, сен эса бахтимда қол.

Қуйласам ишқ йўлларида, сен — офтобу, оташим,
Сайр этарда ёр — дилкаш, тунлари кафтимда қол.

Мен асли бахт авлодиман, бахтим сози дилрабо,
Бахт йўлида недурким ғов, оташин шаҳдимда қол.

Она юртим гулшанда, фахр ила шод яшарман,
Ғар, Ватанга жон керакдир — бергилу, фахримда қол.

Эркин замон васфин мудом, назм этар Озодиман,
Ишқ девонин битгум албат, фақат сен — аҳдимда қол.

ҚАЛАМ

Тунларн пок маҳрамимдир, кўнглима ардоғ қалам,
Ёрга шеър битганда ўксик кўксим этди тоғ қалам.

Назм агар маъюслигимдан, хумморлигимдан бир нишон,
Уйғотиб сидқу вафолар, руҳим этди чоғ қалам .

Кўзларимга нурли олам зимзиё бўлган маҳал,
Шуъалар сочди ададсиз, кетди минг чарчоғ қалам.

Бенасиб қолдирмаганда даврў даврон ғамлари,
Қилди сўнгсиз дардларимнинг чорасин андоғ қалам.

Неки дилда чин вафо бор, унга бўлсин то абад,
Бонси — Озод ҳаётин айлади гулбоғ қалам.

Деновда жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш юзасидан қандай чора-тадбирлар кўриляпти? Шу мавзуда туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Норқўчқор ҲАЙДАРОВ билан суҳбатлашдик.

— Халқимиз "бола бошидан...", деб бежиз айтмайди. Айниқса, кейинги пайтда ёшлар тарбиясига эътибор кучайди.

Туманда вояга етмаган ўсмирлар билан қандай ишлар олиб бориляпти?

— Шу ўринда "Касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олган осонроқ" деган нақлни эслатиб ўтмоқчиман. Биз мактабларда, маҳаллаларда тез-тез бўлиб, ёшлар, умуман аҳоли ўртасида турли мавзуларда суҳбатлар уюштиряпмиз. Ота-оналар билан мунозаралар олиб боряпмиз. Ана шу тадбирларнинг самараси ўлароқ туманда жиноятчилик, номусга тегиш, талончилик ўтган йилга нисбатан бирмунча камайди. Бунда, шубҳасиз, Т. Остонақулов, А. Шарипов, Х. Эргашев, Қ. Бибитов каби касбдошларимиз ўз хизмат бурчларини ҳалол ўташаётгани асқотмоқда.

Шу йил январь ойида Охунбобоев номли жамоа хўжалиги даласидан номаълум шахснинг мурдаси топилди. У таниб бўлмас даражада эди. Нима қилиш керак? Тезлик билан барча чораларни кўрдик. Шахснинг кимлиги аниқланди, жиноятчилар қўлга олинди. Маълум бўлишича, бу тожикистонлик Р. А. деган шахс экан. Икки номаълум киши ундан ўз машинасида Синага бориб келишни илтимос қилади. Йўлда эса шоферни ўлдириб, жасадини далага ташлаб кетишган. Машинани деновлик Т.га 400 (коробка) гугурт қути, наша ва 200 минг сўм Россия рублига сотишади. Бу икки "ҳамтовоқ" ўз жазосини олди.

— Туманда гиёҳванд ўсимликларни етиштирувчиларга қарши қандай чоралар кўрилмоқда?

— Гиёҳвандликка қарши курашиш мавсумий иш эмас. Бундай иллатнинг томир отишига йўл қўймаслигимиз керак. Шу йилнинг ўтган даврида ғайриқонуний равишда гиёҳванд ўсимликларни экиш, уларни сотиш ва олиб юриш билан боғлиқ қирқдан ортиқ иш юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, туман прокуратурасига оширилди. Қолаверса, апрель ойидан бошлаб гиёҳвандликка қарши курашиш мақсадида тезкор штаб ташкил қилинди. Унинг аъзолари шу кунга қадар туманимизнинг барча хўжаликларида бўлиб, гиёҳвандлик моддалари етиштирувчиларга қарши қаттиқ кураш олиб бормоқдалар.

С. Отабоев, А. Ҳидоятов, Қ. Каримов номли, "Ғалаба" ва бошқа жамоа хўжаликларида ҳам бу турдаги жиноятлар содир этилганлиги аниқланди. Анвар Нодиров деган шахснинг томорқасида экилган 198 туп кўкнори йўқ қилинди. Шунингдек, Муҳаббат Исмоилова ва Ҳурматой Абдуллаева каби аёлларнинг томорқаларидаги 300-400 туп кўкнори ҳам йўқ қилинди.

Муҳаббат Абдуллаеванинг молхонасидан тўрт туп наша ўсимлиги, Қизларгул Раҳимовонинг томорқасидаги пиёз ичидан ҳам кўкнори топилди. Қ. Каримов номли жамоа хўжалигида яшовчи Анора Қорақулованинг "тадбиркор"лиги эса ҳаммани лол қолдирди. "Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас", деб шунга айтсалар керак-да. Бундан бир йил олдин ҳам у ўз томорқасига кўкнори экиб, жиноят содир этган, лекин ёш болалари борлиги инобатга олиниб, жазони ўташ кечиктирилганди. Аммо у бундан тўғри хулоса чиқариб олмади. Яна унинг томорқасида кўкнори ўсимлиги етиштирилаётгани аниқланди ва А. Қорақулова жиноий жавобгарликка тортилди.

Туманимизнинг айрим тоғлиқ зоналарида, ўрмонларда ҳам наша ва кўкнори етиштирувчилар аниқланяпти. Биз вертолётлар ёрдамида "қора оғу" майдонларини йўқ қиляпмиз.

Хулоса шуки, бу иллат тагтомири билан қирқилмас экан, унга қарши кураш сира тўхтамайди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ суҳбатлашди.

ИЛЛАТ ТОМИРЛАРИ ҚИРҚИЛМОҚДА

Бугун — Милиция куни

Яхшигаям дуч келади, милиционер. Ёмонгаям рўбарў бўлади милиционер. Унинг хизмати шундай. Ҳаёт тарзи шундай. Гоҳида сокин, гоҳида олатасир. Кимгадир ёқади бу, кимгадир йўқ. Қарши нақлиёт тармоғи ИИБ жамоат тартибини сақлаш бўлинмаси ходимларининг-да иш куни шу зайлда ўтади.

БИРОВ БИЛДИ, БИРОВ ЙЎҚ

ГУРУЧГА ҚЎШИЛГАН БАНГИ

"Душанбе – Москва" поезди тезюрар. Шамолдек ғизиллаб ўтади, кетади Қаршидан. Унинг йўловчилари ким? Шоҳми, гадоми? Ўғрими, тўғрими билиб бўлса экан. Аммо вагонларга бирров кўз қирини ташлаш бўлинма ходимлари вазифасига киради. Шу мақсадда сержант Б. Очилов, А. Элмуродов эндигина тўхтаган 23-поездга чиқишди.

Вақт қисқа эди. Шунданда сержантлар вагондан-вагонга ўтиб, ён-верларига тез-тез кўз юритдилар. Баъзи йўловчиларга синчков назар солдилар.

— Мана бу қоп кимники? Ичидаги нима?

— Меники. Гуруч олиб кетаётгандим.

Вагон-ресторан директори Рустам Ашуровнинг бежо кўзи милиция ходимларида шубҳа уйғотди.

— Ичини текшириб кўрамиз.

Сержантлар шундай қилишдиям. Душанбе шаҳрининг Умид кўчаси 333-уйда яшовчи Рустам Ашуров гуруч ичига 400 грамм гиёҳванд модда яшириб қўйган экан.

Вагон-ресторан директори ўзини у ён, бу ён ташлагани билан фактдан қутула олармиди? "Иши" ҳозир судга оширилган.

ШУБҲАЛИ 16-ВАГОН

Бу гал сал бошқачароқ бўлди. Жамоат тартибини сақлаш бўлинмаси ходимлари, сержант Б. Содиқов, Р. Арслоновлар яна "Душанбе – Москва" поездига чиқишди. Йўловчиларга назар солдилар. Буюмларига эътибор қаратдилар.

— Ана у йўловчи бизни кўрибоқ типирчилаб қолди. Ўзидан хавфи бор-ов.

Сержантлар шу шубҳа билан 16-вагоннинг 33-ўриндиғидаги йўловчига яқинлашдилар.

— Текширавергинглар. Лекин айтиб қўяй. Шубҳаланадиган ҳеч нимам йўқ.

Москва вилоятининг Павлов-Посад шаҳридаги Гершина кўчаси 22-уй, 26-хонадонда яшовчи Дилшод Зиёвуддинов шундай, дея милиционерларга ҳужжатини узатди.

— Буям керак. Аммо бизга юкингизни кўрсатсангиз.

Сержантлар шундай, дея поезднинг 16-вагонини кўздан кечиришарди. Унинг 10-ўриндиғида Душанбе шаҳар прокуратураси терговчиси Абдураҳмон Ҳотамбеков кетаётган экан. Буни қарангки, қонун ҳимоячиси қонунга хилоф равишда икки дона жанговар "АК-74у" автомати, икки ўқдонда 60 дона ўқни олиб кетаётган экан.

Қуйидаги воқеа ҳам шу поезднинг 16-вагонида содир бўлди. Бу сафар сержантлар Ш. Назаров, Б. Содиқов антиқа бойликнинг устидан чиқиб қолишди. Душанбелик Игорь Пампухадаги 10 дона ҳар хил узунликда бўлган қилич, ханжар, пичоқ жуда ғаройиб эди. Игорь буларни кимдан, қачон олган? Нима мақсадда олган? У судда маълум бўлади.

ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Юқоридаги воқеалардан сўнг Дилшодга тааллуқли жомадонларни кўздан кечира бошладилар.

Милиция ходимлари сумкадан бир дона жанговар "АКМ" автомати, икки ўқдонда 57 дона ўқ ҳамда 10 грамм гиёҳванд модда топиб олганларида Д. Зиёвуддиновнинг бўлари-бўлганди. Ранги-қути ўчган Дилшоднинг "бисот"и далил-ашё сифатида олинди.

Орадан унча ўтмади. Шу икки сержант Б. Содиқов, Р. Арслонов яна "Душанбе – Москва" поездининг 16-вагонини кўздан кечиришарди. Унинг 10-ўриндиғида Душанбе шаҳар прокуратураси терговчиси Абдураҳмон Ҳотамбеков кетаётган экан. Буни қарангки, қонун ҳимоячиси қонунга хилоф равишда икки дона жанговар "АК-74у" автомати, икки ўқдонда 60 дона ўқни олиб кетаётган экан.

Қуйидаги воқеа ҳам шу поезднинг 16-вагонида содир бўлди. Бу сафар сержантлар Ш. Назаров, Б. Содиқов антиқа бойликнинг устидан чиқиб қолишди. Душанбелик Игорь Пампухадаги 10 дона ҳар хил узунликда бўлган қилич, ханжар, пичоқ жуда ғаройиб эди. Игорь буларни кимдан, қачон олган? Нима мақсадда олган? У судда маълум бўлади.

ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Юқоридаги воқеалардан сўнг бир савол туғилади. Қарши нақлиёт тармоғи ходимлари фақат "Душанбе – Москва" поездини синчиклаб текширадиларми?

— Ундаймас, – дейди тармоқ ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция майори Бозор Тоғаев. – Фақат 23-поездда ҳодиса кўп. Шу ўринда "Китоб – Тошкент" поездидаги жиноятчилик устида тўхталаман. Милиция сержантлари Р. Арслонов, А. Санақулов. 22-вагонда оққўрғонлик Пайливон Наримоновни қўлга олдилар. У ўзи билан 205 грамм қорадори олиб кетаётган экан. Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 216^2-моддаси 1-қисми билан жиноий иш қўзғатилиб, айблаш фикри билан халқ судига юборилди.

Мисолни шу учун келтирдимки, бизнинг шоҳбекат орқали ўтадиган ўз поездларимиздаям қонунбузарликлар бўлиб туради. Аммо нисбатан оз.

— Мен бунинг сабабини кузатувчи милиционерларимиз халқ ўртасида тушунтириш ишларини яхши олиб бораётганларида, деб биламан, – дейди Қарши тармоқ ички ишлар бўлими бошлиғининг жамоат тартибини сақлаш бўйича муовини, милиция капитани Ашур Раҳимов. – Бундан ташқари, кузатувчиларимиз рейсдан қайтиб келгач, ҳисоботини эшитамиз. Улардан имтиҳон олиб турамиз.

Ҳозир поезд асосий транспорт ҳисобланади. Талабами, тижоратчи, сайёҳми ундан фойдаланаяпти. Шундан-да у доимо лиқ. Йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида эса кузатувчи милиционерлар хизмати жорий этилган.

— Ҳозир бизда 260 нафар кузатувчи милиционерлар бор дейди, – Ички ишлар вазирлигининг Нақлиёт ички ишлар Бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Алижон Муродов. – Ҳар поездда икки нафардан милиционер қўйилган.

— Йўловчилар ўртасида гиёҳванд модда, ўқ дори, қимматбаҳо ашё ўғриларигина учрайдими ёки бошқа турдаги фактларам қайд қилинганми? – сўрайман Алижон Муродовдан.

— Мамлакатимиз пойтахтидан жўнайдиган тезюрар поездларнинг вақтни, ёқилғини тежаши ҳисобга олиниб, вилоятлар оралиғидаги кичик бекатларда тўхтаб ўтиш бекор қилинганидан хабарингиз бордир. Бухородан ўтадиган "Тошкент – Қўнғирот", "Тошкент – Нукус" поездларидаям шу қўлланилган. Аммо Қоракўл – Олот оралиғидаги йўловчилар бунга беписанд қараётганликларидан хабар топдик. Айрим бебошлар ойна синдиришган, баъзи зўрлар стоп-кран дастагини босиб, ўзига маъқул жойда тушиб қолаверган. Ўн ойда 18 марта ойна синдириш ҳолати қайд қилинган. Бу бемаъниликка қарши хизматчиларимизни, жамоатчиликни жалб этдик. Халққа тушунтирилди. Шундан бери бирон-бир кўнгилсизлик рўй берганича йўқ.

Алижон аканинг фикрларидан уқса бўлади. Халқ ўз мулки, қадр-қиммати даражасини осон англайдиган бўлибди.

ҚОЧ, ГРАНАТА!

Яна ўша "Душанбе – "Москва" поезди. Вагони фақат 17. Владимир Глубков икки милиционер ёнига келганида пинагиниям бузмади.

— Россия Федерацияси фуқаросиман. Куйбишев вилоятининг Приволжск туманида яшайман. Бу паспортимда қайд этилган, – деди у бепарво.

— Жуда яхши, – дейишди сержант Ш. Назаров, Б. Содиқов унга хушмуомалалик қилиб, – Мана бу нима?

Ўша чоғ Владимирнинг тили айланмай қолди. Чунки икки сержант унга тегишли сумкадан жанговар "Ф-1" граната ва совуқ қурол "Нунчаки"ни топиб олишганди.

Шунақа гаплар. Нақлиёт милицияси ходимлари олдини олган бу кўнгилсизликларни биров билди, биров йўқ!

Қурбон АЛИ, "Ўзбекистон" овози" махсус мухбири.

Йўлга чиққан ҳар бир йўловчи ўзига хос манзилни кўзлайди. Ўша жойга хавф-хатарсиз етиб олишнинг назорати ДАН ходимлари зиммасида.

Бўка тумани ДАН ходимларнинг-да мақсади шу. Машинани бошқарган ҳайдовчи соғ-омон етиб олса бўлгани. Шундан-да туман давлат автомобиль назорати бошлиғи, милиция капитани Абдурасул Акмалов ихтиёридаги шахсий таркибнинг эътиборини ҳамиша шунга жалб этади. Сўнгги ой ичида транспортни маст ҳолда бошқариш ҳодисаси 11 марта, 19 нафар ҳайдовчининг эса гувоҳномасиз техникани бошқарганлиги аниқланди.

Даврон Аҳмад олган суратда эса А. Акмалов йўл ҳодисаларига эътиборни жиддийроқ қаратишни таъкидлаётгани акс этган.

Шатранж оламида

РУСТАМДАН УМИДИМИЗ КАТТА

Муайян вазиятда бирон бир афзалликка ёки умуман ютуққа эришишнинг сохта гўзал йўлларини эмас, балки унинг аниқ ва қисқа воситаларини топа билиш чинакам маҳорат ҳисобланади. Республиканинг икки бор чемпиони Сайдали Йўлдошев ҳали унча катта тажриба орттирмаган бўлсада, табиатан ана шундай шахматчилар сирасига мансубдир.

Оқ доналарни сурган мусобақанинг энг ёш қатнашчиси Рустам Қосимжонов мағлубиятига имзо чекиб, бироз тинг олгач кўзларига ёш қалқиганини сездирмасликка ҳаракат қилаётганда Сайдали аста унинг орқасини силаб, қилган ишидан хижолат чеккандек бўлди. Бу чинакам инсонийлик фазилатидан нишона эди. Аммо илож қанча: ҳалол курашда отасини ҳам аямайдида киши.

Бунинг ҳиссасини Рустам кучли рақибларидан бири собиқ республика чемпиони, халқаро мастер М. Салтаев билан беллашувда ортиғи билан чиқарди. Бутун тахта узра давом этган стратегик ҳамда тактикавий кураш жараёнида ҳисоб-китобни жойига қўйган Рустам аввал моддий устунликка, сўнгра салмоқли ғалабага эришди. Бунга кўплар ҳавас қилса арзийди. Иқтидорли шахматчимиз бундай масъул мусобақада илк бор қатнашишига қарамай, имкониятдаги очколар сонининг ярмини олишга муваффақ бўлди. У 5 ўйинни ютиб, шунчасини дуранг қилган ҳолда яна шунча бой берди.

Яқинда Рустамнинг ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. Ун АҚШда ишлаб чиқарилган "Ай-Би-Эм — 386" электрон компьютери совға қилинди. Копьютер "ақлига" жаҳон шахматчиларининг уч юз мингдан кўпроқ партиялари жо қилинган. Совғани юртбошимиз номидан республика Давлат фан ва техника қўмитаси раиси, академик Пўлат Ҳабибуллаев топширди.

Рустам умидли шахматчилардан. У тўрт йил аввал республика ёшлар чемпиони бўлганди. Орадан икки йил ўтгач республика катталар мусобақасида учинчи бўлди. Кейин Испанияда халқаро болалар олимпиадасида баҳслашиб, учинчи совринли ўринни қўлга киритди. Бу йил эса Рустам учун айниқса омадли келди. У халқаро тоифадаги спорт устаси талабини бажариб, Венгрияда ўтказилган ёшлар жаҳон чемпионатидан бронза нишони билан қайтди. Катарда эса 16 ёшгача бўлган шахматчилар Осиё чемпионатида ғалаба қозонди.

Мамажон МУҲИДДИНОВ, халқаро ҳакам

КЎЧМАС МУЛК — ЎЛМАС САРМОЯДИР!

Хоразм вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ишбилармон кишиларни 19 ноябрда Хазорасп шаҳрида ўтказиладиган ким ошди савдосига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ИНШООТ

Урганч шаҳар Промишленная кўчасида жойлашган. Қурилиш-монтаж ишлари 15 фоизга бажарилган. Қурилиш 1991 йилда бошланган. Фойдали майдони - 3200 кв.м. Бинонинг пойдевори темир бетон блокларидан, деворлари силикат ғиштдан қилинган, ертўланинг усти бетон плитадан бостирилган.

Бошланғич нархи — *880.000 сўм.*

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ДЎКОНЛАР

Урганч шаҳар Гурлан кўчасида жойлашган, қурилиш-монтаж ишлари 90 фоизга бажарилган 5 та дўкон. 1994 йилда пишиқ ғиштдан қурилган. Бир қаватли. Том бостирмаси темир бетондан.

Ҳар бир дўконнинг бошланғич нархи — *26.000 сўм.*

ГУРЛАН ТУМАНИДАГИ ҲАММОМ

Деҳқонобод жамоа хўжалигида жойлашган, 1990 йилда қурилган. Фойдали майдони - 227,8 кв.м. Бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган, томи темир бетон плитали. 46 нафар кишига мўлжалланган. Умумий ишчилар сони - 3 та, умумий ювиниш хонаси 2 та, алоҳида ювиниш хонаси - 7та.

Бошланғич нархи — *35.000 сўм.*

ГУРЛАН ТУМАНИДАГИ ҲАММОМ

"Вазир" жамоа хўжалигида жойлашган. Фойдали майдони - 300 кв.м. Бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган, томи темир бетон плитали. 23 нафар кишига хизмат кўрсатади. Ишчилар сони - 4 та. Умумий ювиниш хонаси - 2 та, алоҳида ювиниш хонаси - 8 та.

Бошланғич нархи — *33.000 сўм.*

2 ТА "ЗИЛ — 131" АВТОМАШИНАСИ

Газ билан юрадиган автомашиналар 1977 йилда чиққан. Биринчиси — 2 минг км., иккинчиси — 38 минг км. йўл юрган.

Ҳар бир "ЗИЛ — 131" автомашинасининг бошланғич нархи — *150.000 сўм.*

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН 2 ҚАВАТЛИ МАЪМУРИЙ БИНО

Хазорасп туман марказида жойлашган. Қурилиши 1986 йилда бошланган. Фойдали майдони - 1700 кв.м. Пойдевори монолит темир бетондан, деворлари ва том бостирмаси темир бетон плитадан иборат.

Бошланғич нархи — *165.000 сўм.*

МАИШИЙ ХИЗМАТ ЎЙИ

Дружба шаҳрида жойлашган. Фойдали майдони - 288 кв.м. Бир қаватли, 1978 йилда пишиқ ғиштдан қурилган, томи шифер билан бостирилган.

Бошланғич нархи — 11.000 сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ҲУЖАСТКА

Хазорасп туманининг Хазорасп посёлкасида жойлашган. Қурилиш-монтаж ишлари 10 фоиз бажарилган, яъни пойдевори қурилган участка. Қурилиши 1990 йилда бошланган. Фойдали майдони - 500 кв.м.

Бошланғич нархи — *55.000 сўм*

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН 5 ТА ДЎКОН

Хазорасп туманида жойлашган, қурилиш- монтаж ишлари 85 фоиз бажарилган, томи шифер қилинган, пишиқ ғиштдан қурилган. Фойдали майдони - 12 кв.м.

Бошланғич нархи — *11.000 сўм.*

"Т — 28А М" ТРАКТОР ПРИЦЕПИ БИЛАН

Янги, 1993 йилда чиққан.

Бошланғич нархи — *60.000 сўм.*

"Г ПТС— 4 —793А" ПРИЦЕПИ

Юк кўтариш имконияти 4 тонна, 1994 йилда чиққан.

Бошланғич нархи — *15.000 сўм.*

ЭЛЕКТР ТОКИНИ КАМАЙТИРУВЧИ "10/0 463 кВт" ТРАНСФОРМАТОРИ

1981 йилда чиққан. Янги. Оғирлиги 518 кг.

Бошланғич нархи — *35.000 сўм.*

Телефонлар: *Урганч шаҳри: 6-32-63, 6-81-66. Хазорасп шаҳри: 23-856.*

"САМСУНГ" УЧ ЮЛДУЗ ДЕГАНИ

Телеэкран олдида узоқ ўтириш одамни толиқтиради. Унинг нури киши танасини касалликларга чалинтириши ҳақида шифокорлар ғапирмоқдалар. Жанубий Кореянинг техника ижодкорлари жаҳонда биринчи бўлиб шифобахш нур таратувчи телевизорни кашф этдилар ва уни ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар.

Бутун инсоният орзу қилаётган бу янгиликнинг экранидан бир маромда тараладиган нур ультрабинафша бўлиб, у айниқса болалар саломатлигини яхшилашда беминнат дори-дармон ҳисобланади. Уйда қолган мурғаклар бу телевизорни истаганча кўришлари мумкин. "Самсунг" гуруҳлари корпорациясининг бу маҳсулотлари Тошкентда махсус кўргазмада намойиш этилди. У томошабинларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Янги телевизор экранида тасвирнинг ғоятда равшан ва нафислиги, овозининг ёқимли ва тиниқлиги билан ажралиб туради.

"Самсунг электроникс Ко.. ЛТД" корхонаси маҳсулотлари кўргазмасини шаҳримизда намойиш этишдан кўзланган мақсад Ўзбекистон бозорини истеъмол буюмларига тўлдириш, керакли маҳсулотларни ҳамкорликда ишлаб чиқаришда муносиб шерик топишдан иборат.

Кўргазма чоғида "Самсунг" корпорациясининг Ўрта Осиё ва Қозоғистон бўйича бош директори Чан Ку Ли билан суҳбатлашдик.

— Сиз кўрган янги маҳсулотнинг МДҲ мамлакатларида бозори чаққон. Ўйлаймизки, улар Ўзбекистонда ҳам ўз харидорларини топади. Яхши алоқалар ўрнатсак корпорациянинг кўпгина корхоналарида тайёрланаётган молларни Олмаотадан Тошкентга тез ва осон етказиш борасида қулай имкониятлар бор.

— Корхонангизда яна қандай маҳсулотлар тайёрлаб чиқарилади?

— Жуда ҳам кам қувват сарфлайдиган ва озон пардасини бузмайдиган янги маркали холодильниклар, факс-телефонлар, чанг ютгичлар, касса аппаратлари ва бошқалар.

—Жаҳон миқёсидаги спорт мусобақаларини ўтказишда телевизорларингизга эҳтиёж сезиладими?

— Бўлмасамчи. АҚШда бўлиб ўтган жаҳон футбол чемпионатида асосан бизнинг телевизион ускуналаримиз ишлатилди. Хиросимадаги Осиё ўйинларида ҳам маҳсулотларимиз қўл келди. Бундан ташқари, келгуси жаҳон турли спорт мусобақалари учун ҳам ҳозирда бир қанча буюртмалар асосида жадал иш олиб бориляпти.

— "Самсунг" сўзининг луғавий маъносини ифодалаб берсангиз?

— Биз корейсларда ҳам халқ оғзаки ижодининг талай дурдона асарлари бор. Шулардан бири коинот бағрида чарақлаб турадиган уч ёруғ юлдуз бор. Бу юлдузлар туркуми биз учун орзу ва истаклар тимсолидир. "Самсунг" ана шу уч юлдуз сўзининг айнан ўзи. Улуғ ўзбек олими Муҳаммад Тарағай — Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги нишонланаётган йилда диёрингизга ташриф буюрганлигимиздан бениҳоя бахтиёрмиз. Ишончимиз комилки, Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги юлдузлар шўъласи бир-бирига мос тушади.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

Таклиф

ҲАССА ҚАЕРДА БОР?

Олтмиш ёшга кирганимда бир дўстим табриклагани келиб чиройли ўша ҳасса совға қилган ва "илоё, юзга кириб, шу ҳассага таяниб юринг" дея дуо қилиб кетган эди. Мана ҳозир 83 ёшимда ўша ҳасса менга мадад бўляпти. Яқинда тасодиф билан дўстимнинг совғаси синиб қолди. Фарзандлар, набираларим шаҳримизнинг ҳамма магазинларида бўлиб ҳеч қаердан ҳасса тополмадилар. Республикамизда ҳасса ишлаб чиқарадиган бирор корхона йўқлиги мени ажаблантирди.

Кексалар номидан илтимосимиз шуки, Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазирлиги раҳбарлари кичик корхона очиб, оёғи ногирон ва кексаларга ҳасса ишлаб чиқарсалар кўп савобга қолардилар.

Абдупаттоҳхожи НАБИХЎЖА ўғли.

Ғаройиб дунё

ТУХУМ — 220 ГРАММ

ҚУДДУС шаҳри яқинида яшовчи бир киши товуғининг бу сафарги тухум қўйиши ҳам албатта одатий жараёнлардан бири эди. Лекин соҳиб не кўз билан кўрсинки, товуғи ўзи билмаган ҳолда дунё рекордини ўрнатиб қўйибди, яъни тухумнинг оғирлиги 220 граммни ташкил этди. Одатда товуқ тухуми 50-70 грамм чиқади.

Аввалги рекорд "атиги" 181 граммлик тош босган эди.

МОТАМДА ХОТИНЛАРИ ҚАТНАШМАДИ

ЕЗУВЧИ Уйғун қаламига мансуб "Парвона" спектаклини кўрмаган одам бўлмаса керак. Ундаги бош қаҳрамон – хотинбоз, қаллоб Ўткурийни ҳам барчамиз биламиз. Бироқ италиялиқ Жовани Виглиотто хотинбозликда Ўткурийдан ҳам ўтиб тушаркан. У 35 йил давомида 105 марта уйланган. Бунинг устига дунёнинг ҳар бурчидан, яъни 26 марта АҚШнинг турли штатларидан, 15 марта дунёнинг бошқа мамлакатларидан (фақат қонуний турмуш қургани) 50 марта ўз исм-фамилиясини ўзгартирган ҳолда хотин олган (ҳатто судда ўзи ўйлаб топган исмларнинг айримларини эслолмаган). Агар 35 йилда 105 марта уйланганини тартибга солиб, ўртача ҳисобни чиқарадиган бўлсак, ҳар тўрт ойда хотин олавергани маълум бўлади.

Аслида Жованининг кўз очиб кўрган хотини Жоан Билсдир. Унга 1949 йили 19 ёшида Қурияда уйланган. Уч йилдан сўнг эса ўзининг хотинбозлик фаолиятини бошлаган. Жованининг бир юз тўртинчи хотини бўлмиш Шарон Кларккина унинг бу фаолиятига нуқта қўйган. Бироқ у чек қўйгунга қадар Ж. Виглиотто бир юз бешинчи марта уйланишга ҳам улгурган.

Жовани худди Ўткурийга ўхшаб Шарон Кларкка фаровон ҳаётни ваъда қилиб, нафақат унинг уйини, балки онасининг уйини ҳам сотишга ундиради. Бироқ пул ва қимматбаҳо буюмларни белига боғлаб изсиз йўқолади. Шунинг учун ҳам Шарон уйдан ўч олиш ниятида қидиришга тушади ва 6 ойдан сўнг Флоридадан топади. Италиялик "Ўткурий"ни қарангки, фамилиясини Казанов, деб ўзгартириб олибди.

Виглиотто хотинбозликда ва ўғирликда айбланиб, суд қилинди ва 34 йил қамоқ жазосига ҳукм этилди. Аммо Жовани Аризон федерал қамоқхонасида миясига қон қуйилиб оламдан ўтди. Ачинарлиси шу бўлдики, 105 нафар хотинидан бирортаси ҳам унинг дафн маросимига келмади.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкентдаги 3-ун заводи жамоаси корхона раҳбари Фахриддин Раҳматуллаевга отаси **Эшмат ота РАҲМАТУЛЛАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 32-53-15.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими — 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Жиззахда — 3-31-86; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90;
Бухорода — 3-54-87; Навоийда — 3-74-76; Қаршида — 3-25-79; Урганчда — 6-51-35;
Гулистонда — 2-26-22; Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 52-624; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А – 2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти – 21.00. Топширилди – 21.30. Г – 1228, 72841 нусхада босилди.

Навбатчилар: Н. ЖАЛИЛ, М. ҚИЁМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.